O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 5 IYUN ◆ SESHANBA ◆ № 64 (26.766)

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси раҳбари Вагит Алекперовни қабул қилди

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

— Нефть ва газ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз учун бирдек фойдалидир, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатимизда нефть-газ саноатини янада ривожлантириш учун кейинги йилларда амалга оширган чора-тадбирларимиз хорижий компаниялар учун талай қулайликлар яратди.

Хусусан, ўтган йили нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи хорижий компанияларга имтиёзлар бериш тўғрисида ҳужжат қабул қилинган эди.

«Лукойл» президенти учрашув олдидан журналистларга берган интервьюсида ҳам Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш борасида хорижий компанияларга катта имтиёзлар берилаётганини юқори баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасида «Лукойл» билан ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро алоқаларнинг асосий тамойиллари ва шакллари хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон нефть-газ саноатини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

Катта конларда нефть қазиб олиш, янги нефть ва газ конларини топиш бўйича геологик қидирув, «Ўзбекнефтьгаз» миллий акционерлик компаниясини хусусийлаштириш бўйича лойиҳаларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ҳам учрашув иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Бугун Ўзбекистон нефть-газ саноатида АҚШ ва Голландия нефть компаниялари фаол иштирок этаяпти. «Лукойл»нинг улар сафига қўшилиши Ўзбекистонда мазкур соҳа ривожида яна бир муҳим омил бўлиши табиий.

1991 йил Ғарбий Сибирдаги «Лангеназнефтьгаз», «Уралнефтьгаз» ва «Когалимнефтьгаз» корхоналари бирлашуви натижасида ташкил этилган «Лукойл» бугун дунёдаги обрўли нефть компанияларидан бири саналади. Компания Россиянинг 40 минтақаси ва дунёнинг 25 мамлакатида фаолият кўрсатади. Россияда қазиб олинаётган нефтьнинг 24 фоизи, ишлаб чиқарилаётган умумий нефть маҳсулотларининг 12 фоизи «Лукойл» ҳиссасига тўғри келади.

■ (ЎзА)

АҚШ КОНГРЕССМЕНИ ҚОРАҚАЛПОҚ МЕҲМОНИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камалов АҚШ конгрессмени Фил Инглиш ва «АҚШ — Осиё» жамғармаси котиби маслаҳатчиси жаноб Дональд Карлсонни қабул қилди.

Қабул пайтида Жўқорғи Кенгес раиси меҳмонларнинг қорақалпоқ диёрига сафарини чин қалбдан табриклади. Уларга республиканинг бошқариш институтлари тизими, экологик аҳвол, сув тақчиллиги, Юртбошимизнинг Оролбўйи аҳолисига кўрсатаётган эътибори ҳақида гапириб берилди. Мустақиллик йилларида АҚШ Конгресс вакилларининг Қорақалпоғистонга учинчи марта меҳмон бўлиб келиши. Жаноб Фил Инглиш республикага келишидан мақсади ҳақида сўзлади. Оролбўйларида, Мўйноқ туманида бўлиб, аҳолининг турмуши, ижтимоий шароити билан танишди. Оролбўйи аҳолисига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тарафдори эканлигини изҳор этди.

■ Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЛЧИ АНДИЖОНДА

Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жак Андре Костий ўлкамиз билан танишиш мақсадида Андижонга ташриф буюрди. Элчи шарафига вилоят ҳокимлигида ҳамда Андижон шаҳри ҳокимлигида қабул маросими ўтказилди.

Элчи жаноблари Андижон давлат тиллар олий ўқув юртида ҳам бўлиб, француз тили кафедраси фаолияти билан яқиндан танишди. Ўқитувчилар ва талабалар билан ўз тилида мулоқот қилди. Талабалар фаранг тилида саҳна кўринишларини намойиш этишди. Жаноб Костий институт жамоасига қимматбаҳо совғалар ва адабиётларни совға қилди.

Юксак мартабали меҳмон Андижон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. Хотира ва қадрлаш майдонидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚЎШ ХАБАР

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

Поп туманидаги икки хўжалик Фарғона водийсида биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажарди.

Ғаллачиликда асосан адир ерларида деҳқончилик қилаётган «Чодак» қишлоқ хўжалик корхонаси омборларга 950 тонна ғалла топширди. Бугун-эрта 1500 тонналик ишлаб чиқариш режаси ҳам бажарилади. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги эса 176 тонна сара дон етказиб бериб, дастлабки довонни забт этди.

Наманган вилояти ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари шу тариқа уюшқоқлик ва юксак интизом билан ташкил этилмоқда.

ҚАҲРАМОН ДАЛАСИДА ҲОСИЛ НИШОНИ

Ўзбек деҳқонининг танти феъли бор-да! Ғўзаси гулласа бир мўъжиза, шоналаса яна бир мўъжизага кўзи тушгандек қувонади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Чортоқ туманидаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Абдували Абдураҳимов ўзида йўқ хурсанд. Унинг даласида ғўза кўсаклади.

— Бу иқлимнинг иссиқ келиши, экинга пухта ишлов бериш, яхши ният билан иш тутиш самараси, — дейди қаҳрамон хурсанд бўлиб.

Учқўрғон тумани пахта далаларида ҳам экин кўсаклаб, ҳосилга етди.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 5 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1	Австралия доллари	182,27	10	Люксембург франки	75,65
1	Австрия шиллинги	22,18	1	Малайзия ринггити	94,34
1	Англия фунт стерлинги	509,19	1	Германия маркаси	156,03
10	Бельгия франки	75,65	1	Польша злотийси	89,96
1	Голландия гульдени	138,48	1	СДР	449,70
10	Греция драхмаси	8,96	1000	Туркия лираси	0,31
1	Дания кронаси	40,81	1	Финляндия маркаси	51,32
1	БАА дирхами	97,62	1	Франция франки	46,52
1	АҚШ доллари	358,51	1	Швейцария франки	200,62
1	Миср фунти	92,88	1	ЕВРО	305,16
10	Испания песети	18,34	10	Жанубий Корея вони	2,79
100	Италия лираси	15,76	10	Япония иенаси	30,07
1	Канада доллари	233,45	1	Россия рубли	12,30
1	Хитой юани	43,31	1	Украина гривнаси	66,21

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

МАРРА

ҚАШҚАДАРЁ ПИЛЛАСИ

Касби тумани ҳокими Ҳалил Соатовнинг айтишича, 141 тонна пилланинг асосий қисмини Шаҳрисабз пиллакашлик корхонаси тайёрловчиларининг ўзлари қабул қилиб, зудликда олиб кетишибди. Негаки, корхонага хомашё керак. Тағин сифатлиси.

Сифатли пилла сифатли уруққа боғлиқ. Вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси раиси Хайрулла Бекназаровнинг айтишича, бу йил 39183 қути қурт уруғи парвариш қилинган. Шу жумладан, Жанубий Кореядан келтирилган «Ф-1» навли пилла қурти уруғидан Косон тумани пиллакорлари 200 тонна, яъни режадагидан 16 тонна кўп маҳсулот топширишди. Вилоят режаси 1800 тонна эди, ҳозиргача 2101 тоннадан ошиб кетди. Бу 25 минг нафар ижарачининг меҳнати. Вилоят бўйича ялпи ҳосил 51 килограммдан тушган бўлса, ҳар қути уруғдан 60-70 килограммга етказган пиллакорлар бор. Шубҳасиз, катта хирмонга У. Юсупов, Қарши, Нишон, Муборак, Баҳористон туманлари яхши ҳисса қўшишди. Энг кўп улуш Китоб ва Шаҳрисабз тумани пиллакорларига тегишлидир. Сарҳисоб қилинар экан, келажак режаларини ҳам айтмоқ керак. Воҳада 2,5-3 минг тоннага етказиб, сифатли пилла тайёрлаш имконияти мавжуд. Бунинг учун тутзорларни сақлаб қолиш, серҳосилларини кўпайтириш, пиллакор манфаатини унутмаслик лозим.

■ (Ўз мухбиримиз)

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТИ КЎП ДИЁР

Белла АҲМАДУЛИНА, шоира (Россия):

ҲАР БИР ХАЛҚДА ТАЛАНТЛАР КЎПАЙСИН

Москвага, Ёзувчилар уюшмасига қўнғироқ қилиб, таниш дўстимдан билдимки, Россиянинг атоқли, оташнафас шоираси Белла Аҳмадулина айни дамда уйида экан. Мен дўстимга шоирага ўзим қўнғироқ қилишимни айтиб хайрлашдим.

Белла Аҳмадулина кўчага чиқишга чоғланаётган экан. Бундай пайтда мендай қаламкашнинг дабдурустдан саволга тутиши ғалати туюлмасин деб, гапни узоқдан бошладим. Столимда унинг кейинги йилларда чоп этилган 3 томлик китоблари борлигини айтдим. Гўзал манзаранинг гўзал намунаси бўлган энг гўзал шеърларидан бири «Апрель»ни рус тилида ўқидим.

— Яхши, — деди у.

— Талаффузим чатоқ-а? — дедим.

— Йўқ, жуда яхши. Бу табиий. Сиз шеър ёзасиз, шундайми?

— Ҳа.

— Ўқинг. Ўзбек тилида ўқинг...

— Тушунасизми?

— Мен шоирларнинг ўз тилида ўқиган шеърларини эшитишни ёқтираман. Жозибали туюлади. Поэзия шоирнинг ўз тилида оҳанграбодек бўлади.

Кетма-кет иккита шеър ўқидим. Таниқли шоира жим эшитди. Оҳиста, баъзида тўхтаб-тўхтаб сўзлади.

— Ўзбек маданияти доимо мени хаяжонга солган. Алланечук оҳанг, жозиба, фантастик кенглик, гўзаллик бор. Тошкентда бўлганман. Эслаяпман, Ўзбекистоннинг гуллаган боғлари жудаям чиройли эди — кўз ўнгимда турибди. Гапнинг очиғи, ўша палалар мен учун қайғули эди...

— Нега?

— Менинг ижодимни босмай қўйишган эди. Тақиқлашганди.

— Нечанчи йиллар?

— 1978 йиллар. Хуллас, ана шундай пайтда Тошкентда ўзбекистонликлар, ўзбек халқининг самимиятини, зиёлилигини ҳис қилганман.

— Ўзбекистонда узоқ вақт яшадингизми?

— Йўқ. Унчалик эмас. Лекин ўзбекистонликларнинг сахий ва очиқфеъллигидан миннатдор бўлганман.

— Биз озодликдан сўнг, истиқлолимиздан сўнг адабиётнинг тақиқланишидан ва зуғумлардан қутилдик.

— Бу — бахт. Демак, жуда кўплаб сара асарлар яратилади. Биласизми, мен нимани хоҳлайман?

— Нимани?

— Ҳар бир халқда кўплаб истеъдодли шоир ва ёзувчилар туғилсин. Ўзбекистонда талантлар кўп. Чин юрагимдан айтаяпман. Ўзбек халқи янада кўпайиб, маънавий жиҳатдан янада юксалиб бориши тарафдориман.

— Белла Ахатовна, дунёда ҳар бир халқ учун озод яшашдан ўзга улуғ толе бўлмаса керак...

— Албатта, халқ озод, адабиёт эркин бўлса, Ватан яшнайди. Дарвоқе, сиз мени ҳозирги ёш ўзбек шоирлари билан таништирсангиз бағоят севинардим.

— Бизда ёш шоирлар кўп. Фақат уларнинг шеърларини рус тилига таржима қилиш... буни эплай олмасам керак-ов...

— Сиз бундай қилинг, ҳар бир шеърни таглама тарзда, сўзма-сўз ўгиринг. Кўриб чиқаман, кейин ўзим русчага ўгираман.

— Сиз уларни Россияда ҳам чоп этилишига кўмаклашган бўлардингиз.

— Худди шундай. Адресимни ёзиб олинг. 10-15 кун ичида жўнатсангиз яхши бўларди.

— Бажараман.

— Миннатдорман.

— Суҳбатимиз сўнггида озодликнинг 10 йиллиги олдидан халқимизга тилагингиз.

— Озодлигингиз мангу бўлсин... Ўзбек халқига иқболи ёр бўлиб, адабиёти тобора баландласин. Адабий ҳамкорлигимиз, дўстлигимиз доимий бўлсин.

Довуд КУҒИЛТИНОВ, шоир (Қалмиқистон):

ЮРАГИМНИНГ БИР БЎЛАГИ

Довуд Куғилтинов билан суҳбатимиз мароқли кечди. У менинг «Ўзбекистон овози» газетасидан эканлигимни билиб, анча тўлиқиб, ўктам, юқори оҳангда гап бошлади:

— Ўзбек адабиётининг, санъатининг жаҳонда роли беқиёс. Буни ҳар бир зиёли билади. Ҳар бир халқ тан олади. Чунки, унинг Навоийдан тортиб, то бугунгача яшаб ижод қилаётган улуғ шоир ва ёзувчилари бор. Мен дўстим Қайсин Қулиев билан биргаликда Ўзбекистонда кўп бора бўлганман. Туз татиганман, бу халқнинг нақадар маданиятли ва самимийлигини яхши биламан. Катта адиблар Ғафур Ғулом, Ойбек, Шароф Рашидов, Зулфия, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов... Эҳ, санайверсам улар жуда кўп. Ҳаммаси туғишгандек азиз. Ўзбекистон, ўзбек халқи юрагимнинг бир бўлаги.

Бугун Ўзбекистон дунёда ўз ўрни ва салоҳиятига эга. Ўз йўлига эга давлат. Истиқлол йилларида адабиёт ва санъат ривож топди. Айниқса, тафаккури кенг, ўзбек халқи учун фидойилик ва ғамхўрлик қилгувчи Президент Ислом Каримовнинг халқпарварлиги, ватанпарварлигидан хурсандман. У Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққиёт сари бошламоқда. Жудаям кучли шахс. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон юксалаяпти.

Мен Ўзбекистонни ҳамиша севганман. Бугун ҳам ҳар доимгидек севаман.

Адабиёт нафақат сарҳад, ҳатто вақтни ҳам тан олмайди. Келгуси йил 80 ёшга тўламан. 3 томлигим чиқаяпти. Худо хоҳласа, шу китобларимдан ўзбек дўстларимга дастхат ёзиб совға қилсам, ўзимни бахтли ҳисоблар эдим.

Ниятим, Истиқлолингиз умрбоқий бўлсин. Яхши кунлар, ёруғ йўлларда, буюк орзулар сари одимлайверинг.

■ Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини яратиш, автомобиль ва дарё транспорти бошқарув тизимини такомиллаштириш максадида:

1. Автомобиль ва дарё транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш ва монополиядан чиқаришни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

автотранспортда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобиль транспорти ташкилотлари ва корхоналарини кенг хусусийлаштириш, хусусий автомобиль ташувчилар фаолияти соҳасини кенгайтириш, транспорт хизматлари бозорида мулкчиликнинг барча шаклларидаги автомобилда ташувчилар учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни бошқаришнинг ортиқча бўғинларини тугатиш, бошқарувнинг бир ва икки бўғинли тизимига ўтиш;

автомобиль транспортида бошқаришни марказлаштиришдан чиқариш ва автомобилда йўловчилар ташувчи, юкларни вилоят ичида ташувчи, транспорт-фойдаланиш ва ахборот хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш функцияларини бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига бериш;

йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини мустаҳкамлаш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кучли тизимини яратиш, транспорт хизматлари тизимида суғуртанинг мустақил бозорини ривожлантириш.

2. «Ўзавтотранс» корпорацияси таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти тизими корхоналари ва ташкилотларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясини («Ўзавтотранс»ни) тугатиш;

тугатилаётган «Ўзавтотранс» таркибига кирган ҳудудий давлат-акционерлик концернлари ва бирлашмаларини автомобилда ташувчиларнинг ҳудудий уюшмаларига айлантирган ҳолда уларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Автотранспорт хизматларига тариф сиёсатини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига юклансин.

4. Автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришнинг комплекс минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодиётга ва минтақа аҳолисига барқарор автотранспорт хизмати кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

автотранспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги автомобилда ташувчилар учун фаолият кўрсатишнинг тенг шарт-шароитларини яратиш;

шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоят ичида) қатновчи йўловчилар ташувчи автомобиль транспортини йўналишлари ва ҳаракат жадвалларини ўрнатиш;

тегишли ҳудудда автотранспортда йўловчилар ташиш хизматларга ва ижтимоий аҳамиятли юкларни ташиш устидан тариф сиёсати амалга оширилишини назорат қилиш.

5. Автомобилда ташувчиларнинг ҳудудий уюшмаларига қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклансин:

автомобиль транспорти соҳасида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, автотранспорт корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини ривожлантириш;

йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт хизматлари сервисини кенгайтириш;

замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, таъмирлаш базасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, ҳаракат воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш;

йўловчилар ва юкларни шаҳарларда, шаҳарлараро, вилоятлараро ташишни таъминлаш юзасидан автотранспорт корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш.

6. «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига қуйидагилар юкланилсин:

автомобиль ва дарё транспортида йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

йўловчилар ва юк ташиш йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизмини жорий этиш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун фаолият кўрсатишнинг тенг шарт-шароитларини яратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида автомобилда йўловчиларни ташишнинг халқаро ва вилоятлараро йўналишларини тасдиқлаш;

автомобилда ташувчилар фаолияти лицензияланишини ташкил этиш ҳамда автомобиль ва дарё транспорти соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

автомобиль ва дарё транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда автомобиль ва дарё транспортининг халқаро ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифода этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон автомобиль транспорти («Ўзавтотранс») давлат акционерлик корпорациясини ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 8 январдаги ПФ-538-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан 10 кун муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 4 июнь

«КИМЛИГИНГНИ МАҲАЛЛАНГДАН СЎРАШАДИ»

Шўро нега маҳаллага қарши курашди? Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни қанақа? Қандай одам маҳалла оқсоқоли бўла олиши мумкин?

Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов билан суҳбатимиз ана шулар ҳақида бўлди.

— Маҳалла минг йиллик тарихга эга бўлиб, миллий қадриятларимиз ва менталитетимизни ўзида жо қилган ўзбекона ўз-ўзини бошқариш, яъни демократик бошқарувдир. Қолаверса, маҳаллани миллий қадриятларимизни ўзида сақлаб тургувчи ҳимоя рефлекси дегим келади. Эътибор беринг, маҳаллада ҳамма тенг овозга эга. Маҳаллада ҳамманинг фикри эшитилади. Шунингдек, маҳалла ҳам бир киши эмас, бутун маҳалла аҳли томонидан бошқарилади. Маҳаллада ҳар бир одам эътиборда туради. Тўй-ҳашамингизда ҳам, азада ҳам энг биринчи маҳалла ёрдамга келади. Маҳалла билан маслаҳатлашиб тўй қиласиз. Кимлигингизни, қандай одам эканлигингизни, энг аввало маҳалладан сўраб-суриштиришади. Энг тўғри, холис баҳони маҳалла аҳли беради-да.

Ҳаддингиздан салгина ошсангиз ҳам маҳалла келиб огоҳлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам халқимиз маҳаллани ойна дейишади. Тўғрисини айтганда, масалан, ишхонадан кўра маҳаллада изза бўлишдан қўрқасиз. Маҳалла аҳли олдида обрўсизланмаслик учун қўлингиздан келганича ҳаракат қиласиз. Маҳалла сиз учун ғурур, маҳалла сиз учун шаҳн майдони. У сизнинг ифтихорингизни сақлайди. Ғурурингизни оёққа турғизади. Мана, шўро давлати нима учун маҳаллага қарши курашди?! Ахир, шўро ҳукуматига миллий ғурурдан, миллий ифтихордан мосуво, умумтилга эга бўлган совет кишиси керак эди. Маҳаллада демократия, ўз-ўзини бошқариш бор. Совет тузумининг бутун моҳияти демократияни, эркинликни, одамлардаги мустақилликни, ташаббускорликни йўқ қилишга қаратилган эмасмиди?! Шўро ҳукуматига тепадан келаётган буйруқларни лаббай, деб бажаргувчи мутелар, сертавозеъ инсонлар зарурмасмиди?!

Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг маҳалла олдидаги шўро даврида қўйилган барча тўсиқлар йўқ қилиб ташланди. Ахлоқимиз, маънавиятимизни шакллантирувчи миллий демократик дарсхонамизга эътибор ниҳоятда ошди. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим. У киши маҳаллага эътиборда учта мақсад устувор бўлишлигини кўрсатиб бергандилар.

Биринчиси: Маҳалла қадрини тиклаш орқали миллий қадриятлар, миллий ғурур тикланади.

Иккинчиси: Ҳуқуқий демократик давлат қуришда, яъни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш учун давлат ваколатлари астасекин ўз-ўзини бошқарувчи идораларга, хусусан, маҳаллага берилиши керак.

Учинчиси: Давлатимизни эркинлаштириш, кучли демократик давлатга айлантириш жараёнида демократик бошқарув органларига эҳтиёж кучаяди. Маҳалла эса ўз-ўзини бошқаришга асосланган қадимий демократик жамоатдир.

Маҳалланинг оқсоқоли қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз? Албатта, шу маҳаллада боорў инсон бўлиши керак. Қолаверса, замон талабига жавоб берадиган, маҳалласига жон куйдирувчи раҳбар бўлиши лозим. Бундан ташқари, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, олий маълумотли бўлиши лозимлиги ҳам низомда кўрсатилган.

Мана ҳозир маҳалла оқсоқолларини сайлаш жараёни кетаяпти. Шуни айтиш керакки, маҳалла оқсоқоллигига бир нечта номзод кўрсатилиши мумкин. Номзодни шу ерда тузилган ишчи гуруҳи аъзолари кўрсатишади. Овоз бериш кунини ҳам ишчи гуруҳи белгилайди. Белгиланган йиғинда иштирок этаётган маҳалла аҳли ёки фуқаролар йиғини вакиллари ўз оқсоқолларини сайлаб олишади. Мажлисда иштирок этаётганларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод маҳалла оқсоқоли бўлиши мумкин. Овоз бериш усулини ўша мажлисда иштирок этаётганлар ҳал қилишади. Етарли овоз берилган номзод ўша кундан бошлаб, маҳалла оқсоқоли сифатида иш бошлайди, бу номзодни ҳеч қанақанги бошқа жойда кўриб чиқишмайди. Маҳалланинг олий органи фуқаролар йиғини ҳисобланади, шу мажлисдаги овоз ўша кундан бошлаб ваколатлидир. Агар ҳеч қанақанги номзод етарли овоз ололмаса, уларнинг ўрнига энди бошқа номзодлар қўйилади.

Биласизми, кўлами жиҳатидан бу сайлов энг оммавий сайловдир. Эътибор беринг: 10000 га яқин маҳалла оқсоқоллари, 100000 га яқин маслаҳатчилар сайланиши керак. Юқоридаги кўрсаткич ҳаётимиздаги маҳалланинг ўрнини яна бир бор эслатиб қўяди.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ ёзиб олди**

Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар клиник шифохонаси 3 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унда барча шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, бу ердаги ташҳис қўйиш маркази диққатни тортади. Негаки, унда хориждан келтирилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида беморнинг касаллиги бир зумда ташҳис қилинади. Ҳар ойда 4000 га яқин беморларнинг даволанаётгани ҳам ушбу шифохонанинг намунали тиббий хизмат кўрсатаётганидан далолат.

Суратда: ҳамшира Нодира Муродова замонавий тиббиёт ускуналарини ишлатишнинг ҳадисини олган.

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

КАДАСТР ТИЗИМИ

МУЛКИНГИЗНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗДИНГИЗМИ?

Ривожланган мамлакатларда кадастр тизимининг жорий қилиниши бир неча юз йилларга тўғри келади. Масалан, Швецияда 300 йилдан, Германияда 200 йилдан буён бундай иш амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизда эса мустақилликка эришилгандан сўнггина кадастрга эътибор берила бошланди. «Давлат ер кадастри тўғрисида» Қонун, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинди.

Хўш, кадастр тизимини жорий қилиш нима учун керак? Халқ хўжалигида унинг аҳамияти қандай? Умуман, кадастр тушунчасининг ўзи нима, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Аслида «кадастр» сўзи грекча бўлиб, у «ашёлар рўйхатини ҳисобга олиш» маъносини англатади.

— Кадастр талабига кўра, мулк шаклидан қатъи назар ҳар бир бино, иншоот, одамларнинг ҳовлижойлари, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак, — дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари ягона тизими бошқармаси бошлиғи Тоҳиржон Анорбоев. — Шундан кейин унинг эгасига рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳнома олингандан кейингина бино ва иншоот бўлса, ташкилот ёки корхона, уйжой бўлса, унинг соҳиби, экин майдони бўлса, хўжаликлар унинг ҳақиқий, қонуний эгаси ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган воситалар ва ерларни кадастр рўйхатидан ўтказиш қонун билан шарт қилиб қўйилган. Агар рўйхатдан ўтмаса улар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳозир мамлакатимизда кадастр хизмати билан иккита идора шуғулланади. Ер майдонларини кадастрлашни республика ер ресурслари Давлат қўмитаси, бино ва иншоотларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри («Ўзгеодезкадастр») бош бошқармаси амалга оширади.

Биз мазкур ташкилот фаолияти билан яқиндан танишдик. Жамоа кейинги бир йилда бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича катта ишларни амалга ошираётган экан. Ҳозир бошқарманинг барча туман ва шаҳарларда бўлимлари мавжуд. Вилоятда ҳаммаси бўлиб катта-кичик 14575 та ташкилот ва корхона мавжуд. Ўтган йилда амалга оширилган ишлар 1999 йил билан таққосланса жуда катта, яъни 100 миллион 379 минг сўмлик иш қилинганлиги кўзга ташланади. Натижада 732 та юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкка кадастр ҳужжатлари тайёрланди. Бу 1031 гектар ерни ташкил этди.

— Бу ишларнинг бажаришда вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг амалий ёрдамлари бўлди, — дейди Тоҳиржон Юсупович. — Энг муҳими давлат кадастрининг аҳамиятини баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари тушуниб етмоқда. Тўғри, ҳозирча кўп ҳолларда кадастр рўйхатидан ўтказиш учун бизнинг ходимлар ташкилот ва корхоналарга бориб ўз хизматларини таклиф қилишмоқда. Аслида бунинг акси бўлиши лозим. Чунки бу тўғрида ҳукуматимизнинг қарори мавжуд.

Бошқарма фаолияти билан батафсил танишиш жараёнида ТАСИС дастури асосида Ўзбекистонда ерларни рўйхатга олишнинг иккинчи фазаси ишга тушганлигига гувоҳ бўлдик. Шу боисдан Швейциядан келган соҳа мутахассислари мамлакатимизга 1 миллион Евро миқдорида маблағ киритди. Унга асосан вилоятнинг Чирчиқ шаҳри ҳамда Тошкент туманида замонавий компьютер жиҳозлари билан иш олиб борадиган асбоб-ускуналар ўрнатилади. Муаммоларга тўхталсак, ҳали ҳам кўпчилик раҳбарлар кадастрлашнинг аҳамиятини, унинг зарурлигини тушуниб етмаяптилар. Бу, албатта, салбий ҳолатдир.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

Суратларда: 1. Кадастр ҳужжатларида ер чегараларини аниқлаш жараёни хусусида (ўнгдан) И. Колпашикова, Н. Шляпцев, И.Ҳасанов, А. Маҳмудов, Р. Собировлар суҳбатлашмоқда. 2. Ер сатҳини компьютер дастурлари асосида аниқлашни С. Цурбонова, О. Середа пухта билишади.

5 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

1. ЭКОЛОГИК МУАММО ҚАЧОНДАН БОШЛАНГАН?

ИНСОН, ТАБИАТ, ТАРАҚҚИЁТ

Бу уч муносабат тизими ўртасидаги мувозанат эндиликда инсоният тақдирига айланди

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб инсоният цивилизацияси янги тарихий босқичга қадам қўйди. Кейинчалик фан-техника инқилоби (ФТИ) деб ном олган оламшумул жараёнлар тизими кишилик жамияти қиёфасини, унда ҳукм сурган муносабатлар, қадриятлар ва манфаатлар силсиласини шу қадар ўзгартириб юбордики, оқибатда башариятнинг ўз ривожланиш босқичлари давомида тўплаган, минг йиллар давомида шаклланган, инсоннинг тенгсиз ақл-заковати, матонати, катта йўқотишлар ва талофатлар эвазига қўлга киритилган ютуқлари бу жаҳоний тараққиёт шиддати олдида қийматини пасайтирди. Тараққиётнинг шиддатли силсиласи дунёдаги давлатлар, халқлар, миллатлар турмуш шароитини ўнглаш баробарида инсоният олдига жуда катта муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўйди.

Бу муаммолар шу қадар улкан аҳамият касб этдики, яратиш ва бунёдкорлик йўлида тинмай изланаётган, ўзи яратаётган «мўъжиза»лар олдида ҳайратга тушиб, ютуқларидан масрурланиб турган инсоният бу таҳдид қаршисида жиддийроқ ва эҳтиёткорроқ бўлишга мажбур бўлди. Хўш, бу азалий муносабатлар тизимига нега путур етди?

Курраи заминда инсон деган хилқат пайдо бўлган кундан бошлаб инсон ва табиат муносабатлари ҳам тарқиб топган. Бу муносабат тизими миллион йиллар давомида ўзига хос шаклда, баъзан суст, баъзан фаол, уйғунлик касб этган ҳолда ривожланиб келган. Тарихнинг бурилиш паллаларида инсон фаолияти ва табиат ўртасидаги ўзига хос «моддалар алмашинуви» ниҳоят даражада тезлашди. Бу ҳолат, айниқса, инсон тараққиётининг саноатлашиш ёки моддийлашиш босқичларида яққол намоён бўлди. Сармоя ва ҳамён қаппайтириш талвасасига тушган инсон ана шу босқичда илк бора табиат қонуниятларини четга суриб, унга лоқайдларча муносабатда бўлади. Бу эса табиат хилма-хиллигига путур етказади ва шунинг баробарида инсон ва табиат муносабатларига раҳна солади.

Инсон фаолиятига саноат чуқурроқ кириб борганисайин табиат таровати, бетакрор қиёфаси емирила боради. Бу, атроф-муҳитнинг ифлосланиши саноат туфайли деган маънони англатмайди. Табиатнинг ифлосланиши ҳолати кишилик ҳаётига саноат кириб келмаган даврларда ҳам кузатилган. Мисол учун, қадимги Рим аҳолиси ўз вақтида Тибр дарёси сувининг ифлосланганидан шикоят қилган. Афина аҳолисини Пирей порти сувларининг ифлосланганини ташвишга солган. Демак, атроф-муҳит ифлосланишини фақат саноат тараққиёти билан боғлаш тўғри эмас. Шундай бўлса-да инсон ва табиат муносабатлари кишиликнинг кучли цивилизациялашган даврларида аянчли тус олгани ва жамият ҳаётига таҳдид туғдирганини ҳам рост. Юқорида таъкидлаб ўтганимиз — XX аср иккинчи ярмида кечган фан-техника инқилоби (ФТИ) жараёнида Инсон, Табиат, Тараққиёт муносабатлари тизимидаги зиддият юқори босқичга кўтарилди ва бу тизимлар ўртасидаги мувозанатнинг тикланиши инсониятнинг ҳаёт-мамот масаласига айланди...

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

РАҲБАРЛИК МАДАНИЯТИ ЁКИ ҲУЗУРИГА КИРГАН ФУҚАРОНИ «ДУМ» ДЕЯ ТАҲҚИРЛАГАН БОШЛИҚ ХУСУСИДА

«Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона шаҳридаги қабулхонасига ёши олтмишлардан ошган, ажин қопланган юзлари, ҳорғин қарашларидан кўп савдоларни бошдан кечирган бир отахон кириб келдилар. Нимадандир изтироб чекаётгани сезилиб турган бу киши оҳиста сўз бошлади:

— Бировнинг ёки бирор идоранинг устидан арз қилиб келганим йўқ. Шунчаки кўнгил чигалини ёзиш... Кейинги йилларда жуда кўплаб масъул лавозимларга ёшлар қўйилди, — дея фикрини давом эттирди у. — Юртбошимиз бу масалада ҳам жуда оқилона йўл тутганликларини давр исботлаяпти. Ёш, ғайрати жўш урган, мулоҳазали янги кадрлар барча жабҳаларда ўзларини кўрсатишяпти. Уларнинг ишларини кўриб кўз қувонади. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам ҳузурига кирувчилар, ходимлар, аризачилар билан муомала маданиятини яхши билмаган, қўрс ишбошчилар ҳам учраб турибди. Кеча бир бошлиқнинг ҳузурига кирдим. Ишим битмади эмас, битди, аммо дилим ёришмай чиқди ўша даргоҳдан. Ёшгина йигит экан раҳбар... Ҳузурига кекса одам кирди. Такаббурона бош иргаб «ўтиринг!», дея дағдаға қилиш ўрнига икки оғиз салом-алик, ҳол сўраш лозим эмасмиди ундан?!

Отахоннинг сўзларини эшитиб ўйга толдик.

Вилоят миқёсидаги бир идоранинг раҳбари қабулхонасидамиз. Бу ерга ишга келганига эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, халқ орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган бу кишининг ажойиб фазилати бор. Ҳузурига кирган одамнинг гапини, дардини охиригача тинглайди. Сўзини бўлмай баъзи раҳбарларга ўхшаб девордаги соатга уч-тўрт карра намойишкорона қарамай эшитади. Қўлига бир пиёла чой тутади. Аризачи юрагидаги бор гапни тўкиб солгандан сўнггина ўз мулоҳазасини айтади.

— Ичкарида ким бор? — дея аста сўраймиз қабулхона мудиридан.

Узоқ тумандан келган оддий бир аёл.

Ўша куни раҳбар билан оддий деҳқон аёл ўртасидаги суҳбатни кутиб анча муддат қабулхонада ўтирдик. Аммо ичкаридан сўлғин юзларига қон югуриб, «ҳайрият, адолат бор экан!» дея кўзлари порлаб чиққан кекса онани кўриб, бизнинг ҳам дилларимизга нур, илиқлик қуйилди...

Лекин минг таассуфки, газетамиз қабулхонасига келган отахон айтган қабилидаги раҳбар, мутасаддилар ҳам йўқ эмас.

«Мен чорак аср қурилишда ишладим, — деб ёзади Учқўприк туман Оқтепа қишлоғи фуқароси Маҳмуд Қаюмов. — Сўнг дардга чалиниб II гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Бир йилдан сўнг қайта тиббий комиссияга борсам, комиссия раиси қўлимни ушлаб кўриб:

— Қўлинг қаварган! Демак, ҳозир ҳам ишлаяпсан! — деди ва ногиронликка чиқармади. Ахир, йигирма беш йил ишт, белкурак ушлаган қўлнинг қадоғи бир йилда кетадими?! Борингки, М. Қаюмов тузалган бўлиши мумкин, аммо фуқарога шундай муомала қилиш қайси қуюшқонга сиғади?!

«Қўқондан чиқиб, Боғдод автошоҳбекатида тўхтадим. Салондан йўловчиларни тушириб, йўлда давом этаман, деб турган пайтимда қарши томондаги қизил рангли «Жигули»да ўтирган ДАН ходими тўхтатди. Йўл варақасини олиб ДАН ходими олдига бордим, — дея бизга хат йўллайди Қўқондаги 10-автосарой ҳайдовчиси Мурот Абдураҳмонов. — ДАН ходими на салом, на алик бор, ҳайдовчилик гувоҳномамни сўради. Гувоҳномани бердим».

Шундан сўнг М. Абдураҳмонов билан ДАН ходими ўртасида баъзи бир гаплар бўлиб ўтади. Энг ачинарлиси, 1974 йилдан буён автоҳайдовчилик қилиб келаётган бир фуқарога нисбатан ёш ДАН ходими беписандлик қилди. «Аслида, — дейди ҳайдовчи, — ДАН ходими ўзини таништириб, қоидабузарлик қилган бўлсам ётиғи билан тушунтириб, гувоҳномамни олиб, йўл варақасига ёзиб берса хафа бўлмасдим».

«Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улуққа они кўрма асло раво», —

дейдилар ҳазрат Алишер Навоий. Хўп ва кўп мулоҳаза қиладиган байт... Ўзингга муносиб билмаган ишни бошқаларга ҳам раво кўрмагин. М. Қаюмов ва М. Абдураҳмоновларнинг дилини оғритган мансабдор шахслар ўшандай муомалани ўзларига, қариндош-уруғларига раво кўрармикан?.. Ёки мана бу хатга қаранг:

«Узоқ йиллар қурилиш идоралари, раҳбарлик лавозимларида ишладим. Оғир юрак хасталигини бошдан кечиргач, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Лекин шунга қарамай, мустақил Ватанимиз тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш мақсадида фермер хўжалигини ташкил этиб, ғайрат билан ишлай бошладим... 2001 йил февраль ойларида кредит олиш мақсадида тегишли идораларга мурожаат қилдим. Югуриб-елиб ҳужжатларни тўғриладим. Банк рози бўлди. Ўша кредитни берадиган вилоят идораси раҳбари ҳузурига ҳам кирдим, ишлар силлиқ кетаётганди. Ҳамма ҳужжатлар тайёр бўлди. Банк бўлим бошлиғи, ўша вилоят идораси ходими ва мен биргаликда бошлиқ кабинетига йўналдик. Бошлиқ олдига кирганимизни биламан, бу одам на салом, на алик қилмай кутилмаганда банк бўлим бошлиғига:

— Нега менинг олдимга дум бошлаб келдинг! — дея бақирди. Мен аввал тушунмадим, кейин билсам, бошлиқ «дум» деб мени айтган экан! Ўзимга келиб:

— Мен ўзингиз айтган гап бўйича келувдим. Ортиқча бўлсам чиқиб кетаман! — дедим.

Бироз ўтиб ичкаридан банкнинг бўлим бошлиғи ҳам ранги оқариб чиқди. Уни ҳам ҳайдаб юборибди.

Мен ҳам қирқ йил раҳбарлик қилганман. Ўз ҳузурига кирган одамни бу тариқа камситган, ҳақоратлаган раҳбарни нима деб аташ мумкин? Қабулхонадан юрагимни чангаллаб, аранг чиқдим...»

Фермернинг шикоят хати қабулхонада турибди. У ҳали чуқур текширилмаганлиги, қолаверса, ўша вилоят идораси раҳбари яқиндагина шу лавозимга тайинлангани учун уларнинг исм-фамилияларини ошкор этмадик. Лекин фермер ўзига етказилган маънавий зарар хусусида судга мурожаат этишга ҳақли ва биз бу ҳуқуқини унга тушунтирдик...

Кимки бошқа одамларга нисбатан беҳурматлик кўрсатса, билингки бу одам аввало ўзини ҳурмат қилмайди, деган эди бир донишманд. Ҳа, ҳазрат Навоий айтмоқчи:

Нафъинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу наф ўзингга кўпроқ эрур!

Раҳбар аввало ўз ички маданияти, маънавиятининг бойлиги, халқимизга хос андиша, ўзгаларни чуқур ҳурмат қилиш туйғусига эгалиги, вазмин ва мулоҳазалилиги билан ажралиб турсин, шундагина халқ уни ҳурмат қилади, ортидан эргашади.

«Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади, — деган эдилар Юртбошимиз. — Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирон хайрли иш қилдими? Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар эта олдими?»

Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳақида доимо ўйлаши, ўзига ўзи савол бериб кўриши керак.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

КИМ ҲАҚ ВА НОҲАҚ?

БУ ЭНДИ — ТАҚДИР СЎРОВИ...

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Кўпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқармагунча, уни яхши-ёмон дейишдан тилингни тий. Инсон агар қулфланган сандиқ бўлса, уни тажриба ачлигина оча олади.

(«Оталар сўзи»дан).

Карши туманидаги «Чўли ота» хўжалиги раҳбарлигидан Косон туман ҳокими бўлиб келган Жўрабой Майдонов энди ишнинг баланд-пастини ўрганаётган кунлар эди. Таҳририятимизга йўлланган шикоят билан танишиб, «жиддий ўрганиш керак экан», деди. Ҳоким ўринбосари Исмат Очилов ҳамроҳ бўлди. Йўлда шикоятга нишон бўлган инсон ва унинг тақдири ҳақида билганларимни эслаб кетдим...

Шониёз Боборажабов билан саксонинчи йилларнинг ўрталарида танишгандим. Асли Косонда туғилган бўлса-да, тарбияни Самарқанд вилоят рўзномасида муҳаррир бўлиб ишлаган тоғаси Лутфулло Ҳамроевдан олганди. 1974 йилда шу жойдаги қишлоқ хўжалик институтида зоотехник ихтисосини эгаллагач, етти йил Тошкент паррандачилик фабрикасида ишлади, чорвачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиди. Кутилмаганда ўша пайтдаги «марказий» нашрлардан бирида ўзбек пахтаси чигитидан парранда учун ем тайёрлаб бўлмаслиги, аспирант Боборажабов зарарли йўлдан бораётгани ҳақида мақола босилди. Қарши мақола эълон қилди, емдаги заҳарли моддани зарарсизлантириш мумкинлигини исботлашга уринди. Афсуски, муҳим тадқиқотнинг йўли тўсилди. Бугун ўз пахтамиз чигитидан парранда учун ем тайёрлаш истиқболлари очилган. Кейинги ўн уч йиллик ҳаёти Шаҳрисабз туманида паррандачиликни ривожлантириш билан боғлиқ. Саксон иккинчи йилда 450-500 минг дона тухум бераётган паррандачилик хўжалиги ривожланиб, 8 миллион донагача тухум етиштириш қувватига эришди. Бу раҳбарнинг катта ташкилотчилиги, паррандачиликни саноат асосида ривожлантириш йўлидаги курашлари самараси эди. Ҳатто оғир аҳволдан олиб чиқиш учун Муборак туманида пахта етиштиришди.

Ш. Боборажабовни 1995 йилда банкротга учраган Қамаши паррандачилик фабрикаси раҳбарлигига ўтказишди. Бу жойда ҳам иш ўнгланди. 1997 йилда «Қашқадарёгўштсутсаноат» ишлаб чиқариш компанияси таклифи билан ўзи туғилган тумандаги «Қорабайр» кооператив ширкат хўжалиги раислигини қабул қилди.

Айнан шикоят ёзилган бу хўжалик қай аҳволда эди? Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 августдаги 290-сонли қарори билан банкрот, деб эълон қилинган хўжаликнинг мол-мулки сотувга қўйилганди. Хўжаликнинг 1997 йил январдаги ҳисобида банкдан 5933 минг сўм, ташкилотлардан 24291 минг сўм қарзи бор эди. Бунинг устига йил 11334 минг сўм зарар билан якунланганди. Биз шахснинг воқеалар маромига таъсирини энди-энди ўрганаяпмиз. Ҳамма умидини узиб қўйган хўжалик 1999 йилда барча қарзларини узиб, 6 миллион сўмга яқин соф фойда билан чиқди. Бироқ яна 9 миллион сўмга яқин соф фойда олди, иш ҳақларини ойма-ой узиб келаяпти. Бу маълумотларни шунинг учун келтирдикки, тақдир гирдобларидан эсон-омон чиқиб, умр йўлини ибратли ишлар билан безаган бир инсон наҳотки ўзлигига иснод келтирган бўлса? Тақдирнинг ўйинлари кўп. Нафс қулига айланган кимсалар заволини кўриб-билиб турибмиз, ахир...

Идорага етиб, раиснинг хонасига кирдик. Шониёзни кўрмаганимга кўп йиллар бўлди. Элликка етганига қарамай, ўзгармабди, аммо вазминлик, совуққонлик сезилиб турарди. Ортиқча гап-сўзсиз керакли одамларни тўплаб берди ва хонадан чиқиб кетди.

Таҳририятга 2 та шикоят хати жўнатилган экан. Биринчисида раис ва бош ҳисобчи О. Курбонниёзов ўтган йили 200 гектар ерни ижарага бериб, 50 минг сўмдан кассага кирим қилгани, 60 гектар ерни яширгани, бу йил 100 гектар ерга кунгабоқар, сабзавот эктиргани, асосий экинларга сув бермаслиги, уруғлик ғаллани мансабдор шахслар талон-торож қилгани, ҳисобчи билан телевизордан мультфильмлар кўриб, вилоят телевидениеси кўрсатувларини писанд қилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Унга М. Қулматов, Н. Норқулов, А. Қулаев, М. Ҳасанов, С. Суюнов, Т. Тошпўлатов ва М. Норқулов (хўжаликда ишламаскан) имзо чекишган.

Иккинчи шикоятга Т. Файзиев, М. Ҳасанов, Э. Тиловов, И. Юлдашев, И. Аҳмедов, А. Шоймардонов, Д.Тоштўровлар имзоларини қўйишган. Шунда қизиқ воқеа юз берди. Ҳатто исм-фамилиялари кўрсатилган ижарачилардан И. Юлдашев, А. Шоймардонов, И.Аҳмедов, Э. Тиловвлар «Кечқурун Ҳасанов Мейли «Дамас» машинасида келиб имзо чектириб олди, нима ёзилганини билмаймиз», деб сирни очиб қўйишди. Касаба уюшмаси раиси Саттор Суюнов ҳам «Бригадир Қулматов ўрнига қайтишини истовдим, ўйлаймай имзо қўйганман», деб қўяқолди. Демак, иккинчи хатни Мейли Ҳасановнинг ўзи уюштирган. Чунки унда «Ҳасановнинг милиция таъқибидан қочиб юриши», 21 та молхона бузилиб, талон-торож қилингани, наманганлик деҳқонларга ер берилгани, ферма раиснинг укасига сотилгани, аудитор Б.Эрназаров камчиликларни ёпиб кетгани, пахтага сув берилмаслиги ва бошқа нарсалар қайд этилган. Идорага келганлар билан суҳбат очиқ, эркин бўлди.

Т. Тошпўлатов, ҳосилот: — Имзо ўзимники. Бригадир Қулматов нотўғри бўшатилган. Унинг қўлида ҳужжатлар бўлиши керак.

Н. Норқулов, иш юритувчи: — Бировнинг орқасидан ёмонлаш гуноҳ. Сув, ўғит таъминоти ёмон. 4 гектар пахтани кечикиб экдик.

М. Қулматов, ижарачи: — Мени нотўғри бўшатишди. 21 гектар ерга экилган дон уруғи йўқ. Экинлар ўз вақтида экилмайди.

А. Қуллаев, зоотехник: — Раис чорва озуқасига эътибор бермайди. Ишдан кетишини истайман.

М. Ҳасанов, мироб: — Молхоналар бузилди, қисман кирим бўлди. Талон-торож ҳақида қўлимда юк хатлари бор. Хотиним қазо қилганда, қолган иш ҳақини аранг олдим. Милиция мени таъқиб қилаяпти...

Р. Ҳасанов, иш юритувчи: — Мейли укам бўлади. Унинг ёзганлари қуруқ туҳмат. Раисимиз халқпарвар, ишнинг кўзини билади, хўжаликни кўтарди. Олдин экилган ғалламиз яхши. Аммо 21 гектар ерга январь ойида экилган дон униб чиқмади. Эллик бешга кирдим, олтита фарзандим бор. Наҳотки, уруғлик донни еб кетсам?

Ш. Шерқулов, ширкат аъзоси: — наманганлик деҳқонларни М. Ҳасанов олиб келди. Аммо улардан деҳқончиликни ўргандик. Энди ўзимизнинг ижарачиларимиз ҳам яхши меҳнат қилишаяпти.

О. Умаров, иш бошқарувчи: — Мейли Ҳасанов омбор мудири, Қулматов Мамат бригадир эди. Уларни раиснинг ўзи кўтарди. Эллай олишмади. Оддий ижарачи бўлиб ишлашсин. Холис гап шуки, раис ишчан, билимдон...

Мен атайлаб раисга қарши томоннинг фикрини кўпроқ келтирдим. Ширкат аъзоларидан Д. Дўстмуродов, Б. Қурбонназаров, Я.Худойбердиев, З. Азимов ва бошқа кўплаб кишилар раис ташкилотчи эканлиги, шикоятлардан безор бўлишганини тортинмай айтишди. Бу фақат уларнинг фикри эмас. Шу йилнинг 27 апрелида ўтган ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ноҳақ шикоят ёзиб, одамларни ишдан қолдираётганлар фаолиятига танқидий баҳо берилиб, тегишли органларга мурожаат қилишга келишиб олинди. Бу талабни 9 кишидан ташқари 145 ширкат аъзоси ўз имзоси билан қўллаб-қувватлади.

Демак, кўпчилик яхши даромад ва яхши яшаш учун меҳнат қилаяпти. Хўжаликни банкротдан олиб чиққан ташкилотчи раисни қўллашмоқда. Унда М. Қулматов ва М. Ҳасановлар нега шикоят уюштиришаяпти? Мақсадлари нима? Маълум бўлишича, оддий механизаторликдан иш бошқарувчиликка кўтарилган М. Қулматов дастлабки йилларда яхши меҳнат қилган. Бора-бора интизомга бўйсунмай қўйган. Унинг ўлчаб берилган сувдан ўз манфаатига фойдаланган, шартнома тузмай, 1 гектардан ортиқ ерга ғалла эккани, 230 дона пресланган сомонни талон-торож қилгани ҳақида далолатномалар тузилган. Кейин муҳитни буза бошлаган. Шу йилнинг 16 февраль куни ариқ тозалаётганларга «ариқни араблар қазисин», деб одамлар ўртасига низо солган. 6 апрель куни раисни ҳақорат қилиб, телефон симларини узиб ташлаган.

Буни энди ҳаддан ошиш дейишади. Косон туман суди шу йилнинг 11 апрелида М. Қулматов томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиб, 7350 сўм жарима солди. Ҳозир ўзи ва хотинига ижара ери берилган. Аммо шундай йўлга кирган одам кўпчиликка бошчи бўла оладими?

Шикоят ёзаётган Мейли Ҳасанов ўрта маълумотли. Омбор мудири бўлиб ишлаганда 80 минг сўм камомад қилган. Ундан омборни қабул қилган Ш. Ҳасановнинг 118 минг сўм камомади бор. Режали тафтиш давомида булар аниқланган ва ҳужжатлар туман прокуратурасига ўтказилган. Ширкат аъзолари унинг оилавий шароитини ҳисобга олиб, эски «КамАЗ» машинасини 700 минг сўмга сотиш ҳақида қарор чиқаришган. Бундан у қаноатланмаган. Раисни эгиб олиб, масъулиятдан қутилиб кетмоқчи бўлган. Раис ён бермагач, атрофига одам тўплаб, «ёз-ёз»га тушган. Мен фуқарони милиция таъқиб қилгани ҳақидаги маълумотни ҳам текшириб кўрдим. Туман прокуратураси бундай даъвони рад этди. Бундан ташқари Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Каримов тасдиқлаган «Хулоса»да туман милицияси ходимлари томонидан ноқонуний ҳаракат содир этилмаганлиги, М. Ҳасановни ҳеч ким таъқиб қилмаганлиги кўрсатилган. Ва аксинча туман прокуратураси шу йилнинг 16 май кунида Ш. Ҳасанов (М. Ҳасановнинг ўғли) ва бошқаларга нисбатан ЎзЖКнинг 167-моддаси асосида жиноий иш қўзғатган...

Булар зиддиятлар қандай муҳитда пайдо бўлганини кўрсатиб турибди. Аммо ҳар бир фуқаронинг мурожаати қонун билан мустаҳкамланган. Таҳлил шуни кўрсатдики, шикоятларнинг энг батафсили Қашқадарё вилоят ҳокимига ёзилган ариза экан. Шу юзасидан «Қашқадарёгўштсутсаноат» аудиторлик фирмаси аудитори Б. Эрназаров М.Ҳасановнинг тўлиқ иштирокида текширув ўтказган. Бир-иккита масалани ҳисобга олмаганда, шикоятдаги даъволар тасдиқланмаган. Асосий камчилик сифатида насос ўрнига шоли ҳосилини кирим қилдириш, 21 гектар жойдаги буғдой уруғи йўқлигини аниқлаш кўрсатилган. Раиснинг фаолиятсизлиги ҳақидаги гаплар уйдирмадир. Шундан кейин юқоридаги аудиторлик фирмасининг аудитори Х. Муртозаев томонидан хўжаликнинг 1999 йил 1 октябридан то 2001 йил январигача бўлган ишлаб чиқариш ҳамда молиявий фаолияти режали тафтиш қилинган ва шундай хулосага келинган: «Қорабайр» кооператив ширкат хўжалигининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари» тўғрисидаги қонун асосида тўғри юритилган...»

Гарчи шундай хулосага келинса-да, менда айрим мулоҳазалар туғилди. Ҳокимлик томонидан кўшимча топшириқ берилган бўлса-да, январда дон экилган 21 гектар майдон учун раис ҳам бевосита айбдордир. 2,6 гектар майдондан чиққан шолини кирим қилдириш, зарурият туғилган экан, кейин сув чиқариш насосига айирбошлаш лозим эди. Раиснинг укаси хўжаликка ундан олдин келган. Ер майдонлари Беруний номли хўжаликка ўтиб кетган фермага мудир бўлган. Ана шу ферма ва техника воситалари 940 минг сўмга эмас, балки 1 миллион 516 минг сўмга сотилган. Биз хусусий мулкдорлар кўпайиши йўлидан бораяпмиз. Барча ҳужжатлар қонуний. Бироқ, молхона, ҳаммом, «КамАЗ» ва бошқа эски техникалар кимошди савдоси орқали сотилса, маъқул бўларди. Бошқа масалалар бўйича раисдан изоҳ сўрадим.

— Иш бор жойда хато бор, — дейди Шониёз Боборажабов қатъият билан. — Мен 57 миллион сўмга яқин қарзини тўлолмай, банкротга учраган, молмулки сотишга қўйилган хўжалик раҳбарлигини қабул қилдим. Бугун аҳвол ўзгаргани, хўжалик ривожланиш йўлига тушгани, энди кимнингдир раҳбар бўлгиси келаётгани туфайли одамлар ўртасига қутку солишаётганини гапириб ўтирмайман. Чунки кўпчилик уларни қўллаб-қувватламайди, хўжаликни ҳам эртанги кунга умид билан қараётган ана шу кишиларнинг кенгаши, заҳматли меҳнати эвазига қарзлар гирдобидан олиб чиқдик. «Асосий экинларга эътибор йўқ», деган гап ғирт туҳмат. Эҳтиёж, ем олиш учун пахта етиштиришни ўзимиз белгиладик. Вазирлар Маҳкамасининг чорвачилик хўжаликларида етиштирилаётган дон ўз эҳтиёжига ишлатилиши ҳақида қарори бор. Аммо ғаллани ҳам шартнома асосида давлатга сотиб келдик. Иш бошланган 1997 йилда пахта режаси 196 фоиз, кейинги йил ҳам шу шу даражага етди. Хўжалик барча қарзларини қутулиб, соф фойда билан чиққан 1999 йилда шартномадаги 330 тонна ўрнига 528 тонна дон, 150 тонна ўрнига 188 тонна пахта сотдик. Ўтган йили қурғоқчилик туфайли режалар бажарилмай қолди. Аммо 9 миллион сўмга яқин соф фойда олдик. Бунинг 7 миллион сўмга яқини ижарага берилган ерлар ҳисобидан келди. Одамлар ишли бўлди, ҳақлари ўз вақтида берилаяпти. Булар ҳеч кимни қизиқтирмайдими?

— Қизиқтиради, — дейман унга. — Ана шу ижарачилар, «наманганлик деҳқонлар», «кунгабоқар» ва бошқа экинлар ҳақида гапириб берсангиз?.

— Наманганлик деҳқонларни М. Ҳасанов бошлаб келганди, — дейди раис. — Танишдик, тажрибали деҳқонлар экан. Мамлакатимизда андижонлик деҳқонларнинг тажриба мактаби бор, наманганликлар ҳам миришкор. Чорвадорларимиз ўргансин, дедик. Масалан, ўтган йили 34 та ижарачи билан шартнома тузилган бўлса, уларнинг фақат 10 нафари наманганлик деҳқонлар эди. Техника, ўғит, коллектор ва Қашқадарё ўзанида сув чиқарадиган насослар ўзларидан. Бир литр лимит сувидан берган эмасмиз. Тўланган 50 минг сўм ижара ҳақи эса соф фойда. Бу йил ана шундай суғориш қийин бўлган 28 гектар ерда наманганлик уч оила шартнома асосида ишлаяпти. Энди экинлар ҳақида. 47 гектар ерга оралиқ экинлар экиб, ўриб олдик. Кунгабоқар экилса, ҳар гектар ердан икки марта сув билан 250 центнергача тўйимли озуқа олиш мумкин. Ўтган йили Наманган вилоятидаги «Ижодкор» фирмаси раҳбари Абдураҳмон Абдураҳимовдан қанд жўхори уруғини олиб келдим. Экиб, 5 тонна дон олдик. Килосини 400 сўмдан сотдик, уруғлик қолди. Бу йил яна экканмиз. Гектаридан 1000 центнергача емиш олиш мумкин. Уруғини камида 600 сўмдан сотамиз. Иқтисодни эмас, фақат ўзини ўйлаётганларнинг қайси гапига куяй?

— Қизишманг, — дея суриштиришда давом этаман. — Қурилиш материаллари, дон талон-торож қилинганмиш. Мейли Ҳасановнинг қўлида аллақандай «юк хатлари» бор эмиш.

— Биз ҳисобда йўқ эски, нураётган иморатларни ҳисобга киритиб, кейин сотдик. Талон-торож қилмадик, — дейди Ш. Боборажабов. — Шундан 949 минг сўмлик материал хўжаликка ишлатилган, 2,5 миллион сўмдан ошиқ кирим қилинган. Яна 21 та эски чўчқахона қаровсиз бўлиб ётибди. Биз энди чўчқа боқмаймиз. Хусусийлаштиришни таклиф қилаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси текширилган. Юк хатларини топширмай, тўловни амалга оширмагани учун омбор мудири жавобгар. Айбдор бўлсам жазо оламан. Аммо туҳмат фош бўлади. Ширкат аъзолари қўллаяпти, бутун кучим билан ишни давом эттираман. Қатъий гапим шу...

Биз ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Оқлов ёки айблов ёлғиз судларга тегишли. Фақат бир андиша мени қийнайди. Қаерда иш ўнгланса, тайёр ошга баковуллар ҳозир бўлишади. Пана-панадан туриб, ўз кўмочига кул тортувчилар «ҳай баракалла», деб туришади. Улуғ шоирларимиздан бири уларни «учинчи одам», деб атаган эди. Оллоҳ иқтидор ато қилган, ибратли ишлар бошида турган бу раҳбар тақдири қандай бўлишидан қатъи назар, мен иложи йўқ бўлса-да, бошқаларни тўқнаштириб, чекка-чеккадан томоша қилиб турганларни билишни истардим. Кимсан, эй ғавғоларга устаси фаранг, УЧИНЧИ ОДАМ?!

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

1 2 3 4

XORIJDA

ТЕКШИРУВ ЯКУНЛАНДИ

Чеченистон пойтахти марказий бозорида ўтказилган кенг миқёсдаги махсус текширув 7 кишининг қўлга олиниши билан якунланди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу операция 31 май эрталаб соат 9 да Грозний бозорига олиб борадиган ва туташ барча кўчаларнинг беркитилиши билан бошланган эди. Ички қўшин бўлинмалари ва чечен ОМОНчилари ҳамкорлигида ўтказилган текширувда ўқотар қуроллар, портловчи моддалар сақланадиган жойлар, уларни тарқатувчи шахсларни топишдан иборат эди. Операция вақтида барча савдо шаҳобчалари, ерости йўллари, ертўлалар, бозор атрофидаги ярим вайрона бинолар синчиклаб кўздан кечирилди. Ҳарбийлар ҳар бир фуқаронинг шахсини тасдиқловчи паспортини, аксариятини эса алоҳида текширувдан ўтказди.

Шаҳар маъмуриятининг таъкидлашича, ҳарбийлар савдогарларнинг шикоят қилишига ўрин қолдирмаган.

ХИТОЙДА ЯНА ҚУРҒОҚЧИЛИК

Хитойнинг баъзи минтақаларида ўтган йилларга нисбатан 90 фоиз ёмғир кам ёққан.

Бу қурғоқчилик оқибатида 16 миллиондан ошиқ одам ҳамда 12 миллион бош уй ҳайвони сувсизликдан қийналмоқда. Баъзи ҳудудларда уч ойдан буён умуман ёғингарчилик бўлмаган. Натижада экинларнинг кўпи нобуд бўлмоқда.

ДИНОЗАВРЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРИ ТОПИЛДИ

Америкалик палеонтолог Жошуа Смит Қоҳирадан 280 километр узоқликдаги Барахия воҳасидан шу вақттача фанга номаълум бўлган динозаврларнинг янги турини топишга муваффақ бўлди.



У бу воҳада 10 йилдан буён қазилма ишларини олиб бораётган эди. Смит ноёб топилмага ушбу воҳада биринчи бўлиб «Динозаврлар қабристони»ни топган немис олими Эрнст Штромер хотирасига «Штромер улкан топилдиғи» дея ном қўйди. Штромер 1915-1936 йилларда воҳада динозаворларнинг тўрт хил янги турини топган палеонтолог олимдир. Афсуски, унинг барча коллекциялари II жаҳон уруши даврида Мюнхен шаҳрининг бомбардимон қилиниши оқибатида йўқ бўлиб кетди.

«Штромер улкан топилдиғи» бундан 95 миллион йил олдин яшаган ўтхўр жонзот бўлиб, узунлиги 30 м., баландлиги 15 м., оғирлиги эса 75 тонна юк босади. Бўйин ва дум қисмининг ниҳоятда узунлиги тўрт оёқда мувозанат сақлаб, эркин ҳаракатланишига ёрдам берган.

Смитнинг айтишича, ноёб топилма ҳеч кутилмаганда оёғи тагидан чиқиб қолган. У қазилма майдонидан иккинчисига машинада кетаётиб сигаретасини туширib юборади. Тўхтаб, сигаретага қўл чўзганда ногаҳон антиқа суякка кўзи тушади. Ҳа, сигаретанинг тушиб кетиши Смитни дунёда машҳур ҳамда жуда бой бўлишига сабабчи бўлди.

ҚАРИЯ ФАРЗАНД КУТМОҚДА

Эркаклар биологияси шундайки, у 80 ёшида ҳам аёлни фарзандли қилиш қудратига эга. Ва бу ҳаётда неча-неча марталаб ўз исботини топган. Мана яна бир мисол: медиа-магнат Руперт Мэрдок ҳозир 70 ёшда. Лекин хитойлик тадбиркорнинг қизи бўлмиш 33 ёшли Уэнди Ден исмли аёлга уйланган, яъни 1999 йилнинг 25 июнида никоҳдан ўтишган эди. Ҳозир улар фарзанд кутишмоқда.

Дарвоқе, Уэндига қадар Руперт Мэрдок икки марта уйланган. У ўзининг иккинчи собиқ хотини Анна Торв билан 1999 йил июнь ойида расмий ажрашган. Аммо Р.Мэрдокнинг оталик ришталари батамом узилмаган, яъни Аннадан туғилган уч фарзанд ҳозир медиа-магнатга компанияни бошқаришда ёрдам бериб келишяпти.

КУТИЛМАГАН «ЗАРБА»

Харви Файерстоуннинг Генри Фордга илк шиналарни сотганига ҳам 100 йилдан ошиқ вақт ўтди. Ҳамкорлик қирралари аср юзини кўрган АҚШнинг машҳур икки компанияси — Ford ҳамда Firestone ўртасидаги можаролар кундан-кунга авж олмоқда.

Иккала компания ҳам бир-бирларини сифатсиз маҳсулотлар чиқарганликда айблашмоқда. Низога

Fordнинг йирик конвейерда чиқадиган машҳур Ford Explorer русумли машинасининг автоҳалокатга кўп учраётганлиги сабаб бўлди. Шу вақтгача Ford ҳалокатлар сабабчиси Firestone чиқарган шиналарда дея, судда қўли баланд келмоқда эди. Аммо, кутилмаганда Firestone яхшигина жавоб ҳужумига ўтди. У Ford Explorerни Огайо университети олимлари томонидан тўлиқ текширувдан ўтказди. Олимларнинг аниқлашича, айб шиналардан бўлмасдан, аксинча Ford Explorerнинг мураккаб дизайн тузилиши ҳайдовчига маълум тезликдан кейин машинани бошқаришда ноқулайликлар келтириб чиқарар экан.

Эслатиб ўтамиз, ушбу русумдаги автомашина 174 кишининг ҳаётдан эрта кўз юмишига сабабчи бўлди.

XXI АСР ЙЎЛИ

АҚШнинг микротехнологиялар энг юксак даражада ривожланган Силикон водийсида жаҳонда биринчи бўлиб XXI аср чақалоқларини «Интернет олами» меҳмони сифатида кутиб олишмоқда.

Ҳа, ушбу водийда туғилган чақалоқларнинг илк овози чиққанданоқ шахсий электрон почта манзили кодига эга бўлишади. Ушбу хизмат турини Namezrro.com Inc компанияси водийдаги марказий туғуруқхона билан ҳамкорликда жорий этди. Компания ўзининг ёш мижозларига бепул Email кодини бериш билан биргаликда, Интернетдан имтиёзли фойдаланиш имкониятини яратган.

— Эндиликда ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қила олмас эканмиз, Email коди ҳар бир инсоннинг шахсини аниқловчи ҳужжатидек муҳим омил бўлиб қолади. Ота-оналар фарзандларига шахсий электрон почта манзили кодини олиб берар экан, уларни нурли келажак сари бошлаганини тез орада ҳаётнинг ўзи кўрсатади, — дейди Namezrro.com Inc компанияси президенти Брюс Вайзер.

САЙЁҲ ЯНА УЧМОҚЧИ

Одамлар бор кўзлаган мақсадига етмагунча тиним билмайди ва ўз мақсадидан чекинмайди ҳам. Америкалик сайёҳ Стив Фоссет шундайлардан. Айниқса, унинг ўжарлиги-чи?

Гап шундаки, у аввал ҳам учиш аппарати ёрдамида бир неча бор Ерни айланиб чиқишга уриниб кўрган. Масалан, 1995 йилда Сеулдан бошлаган парвозини Канадада тўхтатишга мажбур бўлган. Негаки, 9 минг километр масофани босиб ўтгандан сўнг ҳаво шари ерга қулаб тушган эди. Бундан ташқари, унинг 1998 йили британиялик миллиардер Ричард Брэнсон билан ҳамкорликда уюштирган сафари ҳам шу тарзда Гавайи ороллари яқинида топган.

Тиниб-тинчимаган С. Фоссет бир ўзи яна ҳаво шарида Ерни айланиб чиқмоқчи. Бу гал у саёҳатини Австралия чўлларидан бошлаш ниятида. Унинг айтишича, бу ердаги кучли шамол ҳаво шарининг етарлича кўтарилиб олишига имкон берармиш.

РАҚС ЮЛДУЗЛАРИ МАКТАБИ

Мадина Ниёзова, Дарья Лебединская, Гўзал Жўраева, Дмитрий Сисоев, Рухсона Рустамова, Гўзал Исроилова... Рўйхатни давом эттириш мумкин, лекин ҳозирча бу номлар муштарийларимиз учун нотаниш. Шунга қарамай, улар Алишер Навоий номли ўзбек давлат катта академик опера ва балет театрида бўлиб ўтган теъдодларнинг маҳоратини намойиш этди. Бу тез орада ўзининг 50 йиллигини нишонлайдиган Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиларининг ҳам катта ютуғидир.

Концертдан сўнг театр фойесида 1997 йилда ана шу санъат даргоҳини тугатган швейцариялик Кэти Даниэлни учратдик. У ҳисобот концертини кўрган томошабинлар назарига тушишди.

Мамлакатимиз асосий мусиқавий рақс саҳнасида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ўқувчилари, талабалари ва битирувчилари катта концерт дастури билан чиқдилар. Ёш истеъдодларнинг ўзига хос ижодий ҳисоботи мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида ўтди.

Ф.Шопеннинг классик «Шопениана»си ва хоразмча «Лазги», Л. Минкуснинг машҳур «Пахита»си ва халқ «Мақом»и, М.Равелнинг жўшқин «Болеро»си ва қувноқ ўзбек «Тантана»си ҳамда бошқа асарлардан иборат икки соатлик томоша рақс юлдузлари мактабида вояга етаётган ёш ишқарқ рақсларини севиб қолган, ўзбек ва форс тилини яхши билади. Ўтган йилларда Эрон, Ҳиндистон, Непалда бўлган. Мана энди Тошкентга катта режалар билан яна келган.

— Режалар қандай? — ундан сўрадик.

Кэти хоним сеҳрли табассум ила ўзбекча шундай жавоб берди:

— Дугонам ва ўқитувчим Карима Узоқова билан биргаликда ўзбек классик ва замонавий рақслар туркумини тайёрлайман. Юртдошларимни ҳам ана шу рақсларга ўргатмоқчиман. Ватанимда ва хорижда концертлар билан чиқиш ниятидаман. Балки Ўзбекистонга ҳам келармиз...

■ **Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ**

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

УСТОЗНИНГ ДАВОМЧИСИ БЎЛАДИ

Ажойиб инсон, тарихчи Карим Шониёзов етук олим даражасига эришгунга қадар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотди, турмушнинг сермашаққат поғоналарини босиб ўтди. Аммо ҳамиша дилида, эл-юртга меҳр туйғуси жўш уриб турган. Уруш бошланиши биланоқ ихтиёрий равишда фронтга жўнаб кетди. Урушнинг охиригача Ленинград ва Волхов фронтларида разведкачи сифатида кўрсатган жасоратлари учун 21 ёшда 21 та жанговар нишони бор эди унинг.

Урушдан қайтгач, Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди, ташкилотчилик ишларида етакчилик қилди.

1957 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтига аспирантурага ўқишга киргандан кейин унинг илмий фаолияти бошланди: диссертация ҳимоя қилди, катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1973 йилдан бошлаб то 1999 йилгача эса «Тарихий этнография» бўлимига раҳбарлик қилди.

Биринчи илмий иши «Жанубий ва Ғарбий Ўзбекистон қарлуқлари тўғрисидаги тарихий-этнографик очерк»дан бошлаб барча асарлари ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, унга асос бўлган қабила ва элатлар, уларнинг ўзаро муносабатларию тарихий қисматларини ўрганишга бағишланган. Олимнинг Хитой солномалари, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, араб, форстожик қўлёзма маълумотларига асосланиб яратилган «Ўзбеклар-қарлуқлар» номли китобида қадимги туркий қарлуқ қабиласининг келиб чиқиши, жойлашиши уларнинг хўжалик ва ижтимоий турмуши, маданияти, урф-одатларини ўз ичига олган узоқ тарихий давр (VII-XX асрлар) ёритилади.

«Ўзбек халқининг этник тарихи ҳақида» номли монографиясида олим ўзбек халқи этногенезида бевосита қатнашган яна бир қабила — қипчоқлар тўғрисида тарихий-этнографик тадқиқот олиб борди. У туркий тилли қипчоқлар келиб чиқиши жиҳатидан Ўрта Осиё, Орол бўйи ва Сирдарё бўйларидан бўлиб, улар ўзбек халқи этногенезига турли йўллар билан келиб қўшилганини исботлади. Унинг фикрича, бу ҳолат XIV-XV асрларда Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бу қабилаларнинг Мовароуннаҳрга кўчирилиши натижасида юзага келган бўлса, иккинчидан, XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга кириб келган Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи қабилалар таркибида ҳам қипчоқлар бўлганига эътиборини қаратди.

«Қанғ давлати ва қанғлар» монографиясида узоқ ўтмишда (милоддан аввалги III аср бошидан милодий V аср ўрталаригача) Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сиёсий тизим ҳар томонлама таҳлил қилинади.

Карим Шониёзовнинг «Қарлуқ давлати ва қарлуқлар» монографиясида ўзбек халқининг сиёсий ҳаёти, маданиятида муҳим ўрин тутган қарлуқларнинг этник гуруҳи ва Қарлуқ давлати тарихи ёритилади.

Олим 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи ҳамдир. Мазкур ишларнинг айримлари Москва, Санкт-Петербург, Алмати, Ереван, Черновци, Нальчик, Уфада, баъзилари эса Америка, Франция ва Ҳиндистонда ҳам нашр этилган.

Шунингдек, Карим Шониёзов Ўзбек Қомусини яратишда ҳам фаол иштирок этган. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан тайёрланган кўп жилдли китобларнинг қатор боблари муаллифидир.

Олимнинг биз санаган ва бошқа асарлари Амударё ва Сирдарё оралиғида Мовароуннаҳрда қадимдан яшаб келган туб ерли этнослар (сўғдийлар, хоразмийлар, бақтрияликлар, сак, массагетлар, тоҳарлар ва бошқалар) бўлганлиги ва улар ўзбек халқининг асосий қатламларини ташкил қилганлиги таъкидланади. Сибирдан, Шарқий Туркистондан ва Дашти Қипчоқдан бир неча асрлар давомида келиб, асосий қатламга қўшилган этнослар ўзбек элатининг шаклланиш жараёнидаги қатламлардир.

Халқимиз ўзлигини таниётган, узоқ ўтмишини, аждодлари тарихини билишга интилаётган ҳозирги вақтда домланинг илмий тадқиқотлари ғоят долзарб ва илмий-сиёсий муҳим аҳамиятга эга.

Улар ўзбек халқининг келиб чиқиши ва давлатчилиги тарихига шубҳа билан қараётган турли хил фикр-мулоҳазаларга муносиб ва асосли жавоб бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш йўлида мустақил Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида жуда катта ишлар қилинмоқда.

Ана шу ишлар қаторида тарихий қадриятларни тиклаш, халқимизда ўзликни англаш туйғуларини уйғотиш ва шу руҳда ёш авлодни тарбиялаш ишлари катта ўрин тутади. Мана шу мақсад доирасида археологлар, этнографлар, антропологлар биргаликда ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихига бағишланган муҳим бир илмий иш яратишни режалаштирган эдилар.

Карим Шониёзов ана шу асарни яратишда фаол ташкилотчи бўлди. Бу иш унинг сўнгги илмий тадқиқоти бўлди.

Афсуски, Карим Шониёзов бугун орамизда йўқ, лекин унинг бошлаган иши, режалари сафдошлари ва шогирдлари томонидан давом эттирилиши шак-шубҳасиздир.

■ **О. СУЮНОВА, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти докторанти, тарих фанлари номзоди, Д. ҲОШИМОВА, тарих фанлари номзоди**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Келгуси сондан бошлаб, ҳар пайшанбада «СИЗ ШВЕЙЦАРИЯ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?» рукни остида викторина саволлари чоп этилади. Викторина саволларига тўғри жавоб йўллаган ғолибларни қимматбаҳо совринлар кутмоқда. «Ўзбекистон овози»нинг келгуси сонини олинг ва Швейцария ҳақидаги билимларингизни синаб кўринг!

БАРЧАНГИЗГА ҒОЛИБЛИК НАСИБ ЭТСИН!

ТАҲРИРИЯТ

СПОРТ

ОМАД

Маълумки, жаҳон футбол чемпионатининг 7-саралаш гуруҳида муваффақиятли куч синашган футболчиларимиз дастлабки босқични якунлашганда, омади чопган олти жамоа номи аниқланган. Эрон, Баҳрайн, Қатар, Саудия Арабистони, Ироқ терма жамоалари қаторига бош жамоамиз олтинчи бўлиб қўшилган. Ўтган ой охирида кўзда тутилган иккинчи босқич иштирокчилари — 10 жамоанинг номи маълум бўлди. Яъни, Уммон, Таиланд, БАА, Хитой жамоалари ҳам курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Жума куни эса Бангкок шаҳрида жаҳон чемпионати финалига йўлланма олишга даъвогар жамоалар ўртасида қуръа ташланди.

Сирасини айтганда, мухлислар футболчиларимиз қайси жамоалар билан куч синашишлари мумкинлиги ҳақида кўп башорат ва мулоҳазалар қилишди. Зеро, ниятлари холис экан. Юртдошларимизга омад кулиб боқди. «А» гуруҳи Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Баҳрайн ва Таиланд жамоаларидан таркиб топди. «В» гуруҳи эса БАА, Қатар, Уммон, Хитой ва Ўзбекистон жамоаларидан тузилди. Кўриниб турибдики, иккинчи босқичда футболчиларимиз астойдил ҳаракат қилсалар, миллионларнинг орзулари ушалиб, илк бор жаҳон футбол чемпионатининг финалчиси номини олишимиз ҳеч гап эмас.

■ **Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА**

ЁЗ ҒАШТИ



ТУРФА ОЛАМ

105 ЁШИДА...

Асли бу дунё синоатларга тўла. Турмушнинг оғир жабҳалари ҳеч кимни аяб ўтирмайди. АҚШлик эгизаклар Глен Мойер билан Глен Дейлларни ҳам турмушнинг икир-чикирлари бир-биридан анча узоқлаштирди. Шунинг учун ҳам Мойернинг мотам маросимида Дейл қатнашолмади, тўғрироғи, етиб келолмади.

Гап шундаки, АҚШнинг Огайо штатида яшовчи Глен Мойер узоқ давом этган касалликдан сўнг яқинда 105 ёшида у дунёга рихлат қилди. Бу эгизаклар «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номи тиркалган энг кекса эгизаклардан бири эди.

Глен Мойер умр бўйи ўқитувчилик қилган. Лекин биттаю битта қизига тузукроқ тарбия беролмаганми, ҳарқалай умрининг охирги йилларини Гринвилл шаҳарчасидаги қариялар уйида ўтказди.

Дарвоқе, яна бир гап: Глен Мойер вафотидан сўнг «Гиннеснинг рекордлар китоби»даги энг кекса эгизаклар ўрнини энди Англияда яшовчи Элис ва Нелли Кларклар эгалладилар. Бу кекса хонимлар Глен ва Дейлдан беш ёш кичик.

ҲИНДУЛАР АСЛИ ЧУКЧАЛАРМИ?

«Ҳа, — дея жавоб беради бу саволга Чукотка автоном округи губернаторининг ёрдамчиси, маъмуриятнинг ахборот-сиёсат департаменти бошлиғи Сергей Капков. — Негаки, бу фаразни маъқуллаётган этнограф мутахассислар сўнгги йилларда устунликни қўлдан бермаяптилар. Шу фаразларда айтилишича, Чукотка ва Аляска қачонлардир ягона қитъа бўлган. Ҳозирги кунда шу икки қитъа ўсимликлар дунёсининг бир оилага мансублиги ҳамда халқларининг қадимий урф-одатлари ва маданий анъаналарининг бир-бирига жуда ўхшашлиги юқоридаги фаразларнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Чукоткадаям, Аляскадаям қояга чизилган ўхшаш расмлар мавжуд, чукчалар ва Шимолий америкалик ҳиндуларнинг қадимий маросимлари ҳам ўхшаш — шаманлик расм-русумлари бажо келтирилади.

Яна бир гап: бу икки халқ мўғул танлилар ирқига мансублигидан ташқари, бир-бирига биологик яқинлигини айтмайсизми? Уларнинг характери, психологияси, маънавий қиёфаси бир-бирига мос.

Демак, илмий тадқиқотларнинг хулосаси шундай: Чукотка қачонлардир иссиқ ўлка бўлган. Шимолий америкалик ҳиндуларнинг кўпчилиги ўз ҳудудларидан бу ерга кўчиб ўтган ва шу қутб ўлкасида ўтроқ бўлиб қолган.

ҒИЙБАТНИНГ ИНИ ҚАЙДА?

Одамлар орасида яхшиси ҳам, ёмони ҳам бор. Қишлоқда истиқомат қиламиз ёхуд катта шаҳардами, барибир биз ҳақимизда атрофдагилар маълум бир фикрга келишади, мулоҳазаларини лозим топишса, бошқалар билан баҳам кўришади. Шундай бўлгани яхши албатта. Халқ назаридан қолиш энг ёмони. Бироқ, айтмоқчи бўлганимиз бошқа масала. Ғийбат. У қаердан чиқади?

Қишлоқда яшайдиган дугонамнинг менга ҳаваси келади. «Сенга мазза, шаҳарда яшайсан, ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ. Биз бўлсак бирон ўғил бола билан ортиқча гаплашиб қолсак, дарров хотинлар гап қилиб юборишади». «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ не қилар?», «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди», дейишади. Лекин озгинагина чўғдан аланга ясаб юборишни, ўша одамнинг келгуси ҳаётига етказилган зиёнлар, агар буёғини ўйласак, бировнинг шахсий ҳаётига аралашишни, маънавияти юқори одамлар ўзига эп билмаса керак. Хўш, ўша зараркунанда «учар» сўзларни тарқатувчи шамол қайси томондан эсади?

Кўпчиликнинг фикрича, бу каби гап тарқатувчилар асосан бекорчилардир. Эртадан кечгача уйда ўтириб, сал тиқ этса, деразадан мўралаб, эшик тирқишидан қулоғини қўйиб тургувчилар. Лекин ишда ғийбат йўқ дейсизми?

Собиржон ўзи ҳақидаги бўлмағур гапларнинг қаердан чиққанини билмай танг аҳволда қолди. Тўғри, вақтида ўша қизга совчи юборган, лекин юлдузлари тўғри келмаганми, тўй бўлмади. Унинг оиласи, уч боласи бор, лекин ўша қизга ёзган мактуби ҳақидаги миш-мишлар, негадир бугун, орадан қанча вақт ўтиб кетгач тарқалди. Ўз-ўзидан бу гап эр қулоғига етиб борди. У хотинини уч боласи билан кўчага қувиб солди. Бундай исноднга йигит чидай олмади. Аёли ҳеч нарса дегани йўқ, тўғрироғи, бирон нарса дейишга улгургани ҳам йўқ эди, эрининг жонсиз жасадини топиб, тили калимага келмай қолди. Бир умрлик дод унинг бўғзида қотди. Уйдан ҳайдалган аёлнинг уч боласи, йигитнинг уч гўдаги кимларнингдир фисқу фасоди туфайли етим қолди.

Мафтуна бир йигитни яхши кўриб қолганди. Илк юрагини титратиб юборган туйғу — муҳаббат, унинг кўнглига меҳмон бўлиб келганида у 15 ёшлик ойдек тўлишган, кўркамлашган чоғлари эди. Йигит ҳам одоблигина, кўримли. Яна таниш манзара: миш-миш тарқалди, қайнона ўғлини қойиди, ўғил хотинини сўкди, аёл қизини дўппослади, кечқурун қизининг жонсиз танасини топишди. Ҳали кўзи очилмаган муҳаббат жон берди. Бу каби воқеалар содир бўлаяпти. Биз эса ҳамон уйқудамиз.

Ғийбатчи дунёдаги энг ёвуз, ичи кирларга тўла жирканч одам бўлиши керак. Унинг асл башараси йўқ, у ўқимишли бўлиши ҳам мумкин, у уй бекаси ёхуд оддий ишчи, аёл ё эркак бўлиши ҳам мумкин. Унинг юраги йўқ. У севиб кўрмаган, уни севишмаган, у омадсиз, унинг шакл-шамойили йўқ, орамизда кезиб юради. Кечаю кундуз ёмонлик уруғини одамлар орасида сочиб юради. Биз эса ҳамон ғафлатдамиз.

Аёл гапни узоқдан бошлади. Фалончининг қизи, писмадончининг ўғли, биз эса тўрт-беш киши унинг оғзига тикилиб ўтирардик. «Ростданми, наҳотки, ие қачон улгурди экан, вой бетсиз-эй». «Уларни тинч қўйинг, севишса ёмонми? Сиз ҳам бир севиб кўринг, кўрасиз, у қандай кўнгилларни покловчи, муқаддас туйғу» дегим келди. Дилимни ларзага келтирган сўзлар тилим учида қотди, ахир қизим бор, эртага ўзимга душман орттириб нима қиламан?

Ҳеч кимга ақл ўргатиш ниятим йўқ. Ғийбат энг оғир гуноҳлардан бири эканлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин ўша манфур гапини айтиб кетади, қолгани сизу бизга боғлиқ. Шамол ҳар қандай чўғни аланга олдиришга қодир. Ёнғин эса ҳеч кимни аямайди. Шуни эслатиб қўймоқчи эдим, холос.

■ **ШАҲРИБОНУ**

КРЕДИТОРЫ ПРЕДПРИЯТИЯ-БАНКРОТА ТПАО «ЧОРСУ УНИВЕРМАГИ»

приглашаются на заключительное совещание Совета кредиторов, которое состоится 8 июня 2001 года в 10.00 утра по адресу:

площадь Ахунбабаева (бывшее здание ГУМа).

Вниманию сотрудников универмага!

За получением заработной платы явиться в срок до 7 июня 2001 года.

ЛИКВИДАЦИОННАЯ КОМИССИЯ

«АТТОРЛИК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

2001 йил 26 июнь соат 11.00 да акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият раисининг 2000 йил бўйича жамият фаолияти ва молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият ташқи аудиторининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2000 йил балансига тегишли ҳисоботни тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2000 йилдаги баланси ҳамда фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш 22 июнь соат 9.00 да бошланади.

Жамият манзили: Тошкент ш., Жомий кўчаси, Мавзук дўкони тор кўчаси, 20-уй. Телефон: 48-52-85.

ЖАВОҲИР САНДИҒИ

Ҳасадгўйлик, чақимчилик ва фолбинлик қилувчилар мўмин эмаслар.

Менинг у нарсам бор, бу нарсам бор дейишни ёқтирмайман.

Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас, ортиқлик фақат дину диёнатда ва солиҳ амаллар билан бўлиши мумкин. Беҳаё сўзловчи, бахил, қўрқоқ одам учун бошқа ёмон сифатлар иккинчи даражалидир.

Кимки кичикларга раҳму шафқатли, катталарга иззат-икромли бўлмаса, у мўмин эмасдир.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«Ózbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.20

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA